



# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

1994 йил  
14—20 май  
[162]

## ХАБАРЛАР МАҒЗИ



• ШУ ЙИЛНИНГ 23—27 май кунлари Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида" қарор қабул қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Япония Бош вазири Цугому Хатанинг таклифига ва ўзаро келишувга биноан шу йилнинг 16—19 май кунлари расмий ташриф билан Японияга боради.**

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Японияга расмий ташрифи арафасида Япониянинг "Асахи", "Майнити" ва "Нихон кейзэй симбун" газеталари мухбирларини уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.**

• **"ЕНИЛГИ мойлаш материаллари сотишни тартибга солиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.**


• **НАМАНГАНДА** Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳамда республика Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш юзасидан семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• **БУКА туманининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов туман меҳнаткашларига табрикнома йўллади.**

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони**га кўра "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ходимларидан бир гуруҳи "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими" унвонига ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

• **РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон фуқаро авиацияси ташкил топганининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон фуқаро авиацияси ишчи ва хизматчиларига табрикнома йўллади.**

## ҒАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАГАН



9 май куни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 49 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Тошкентнинг Мустақиллик майдони, хивонлар, кўча-кўй, улкан бинолар олди баҳор фасли каби кўркем қиёфа кашф этган. Муборак тулпроғимизни қони билан муқаддас қилганлар хотираси хурмати Бош майдондаги номаълум аскар қабрига ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Фахрийлар Кенгаши, Халқ Демократик Партияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳари ҳокимликлари, шаҳар жамоатчилиги номидан гулчамбарлар қўйилди.

Дахшатли уруш йиллари оғир жароҳат толиб, Тошкент госпиталларида ҳаёт билан видолашган жангчилар хотираси учун қад тиклаган Волгоград кўчасидаги "Биродарлик қабристони" ҳам шу кун одамлар билан тўлди. Бу ерга ҳам даста-даста гуллар, гулчамбарлар қўйилди.

Шундан кейин тантанали байрам республикаимиз узра кенг қанот ёзди. Барча вилоятларда жангу жадал ичра жон олиб, жон берган мўътабар инсонлар бир неча дақиқа сукут сақлаш билан хотирланди, улар учун ўрнатилган ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйиш билан босиб ўтилган жанговар йўллар эсга олинди.

Юртбошимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг урушда қатнашганлар ва мамлакат ичкарида фидойилик кўрсатганларни "Жасорат" ва "Шухрат" медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармони эса дилларга янада янги чироқлар ёқди. Кўкракларига кўша-кўша орден ва медаллар тақиб, руҳан тетик, юзларидан нур ёғилиб турган фахрийлар Президентимизнинг Ғалаба байрами муносабати билан қутловини тингладилар. "Бугун барчамиз урушда шаҳид кетганлар" номини ёд аялаб, уларнинг руҳи покларига таъзим қиламиз" дейилади қутловда. Тирик қолганлар ҳақида эса "Бугун ҳам улар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фидойилик ва ибрат кўрсатмоқдалар,

мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини таъминлашдек олийжаноб ишларда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар" дея таъкидланади.

Бу сўзлар нақадар кўтаринки руҳ бахш этди ҳаммага.

Дарҳақиқат, курашларда тобланиб, ўз жасоратларини намоён қилиш билан ибрат кўрсатган бу мағрур қалб эгалари тутган машъални ушлаб, бугунги ёшлар улар босиб ўтган жанговар йўлдан боришни ўзлари учун муқаддас бурч ҳисоблайдилар.

Шу кун республикаимиз вилоятларининг ҳамма шаҳар-қишлоқларида, истироҳат боғларида, дам олиш масканларида халқ сайллари авжга чиқди. Уруш иштирокчилари билан учрашувлар, ўзаро гурунлар қизиди.

Машҳур санъаткорлар ижросида концертлар берилди, турли томошалар намоён этилди. Ҳар хил спорт мусобақалари уюштирилиб, голибларга мукофотлар тақдим этилди.

Дарҳақиқат, муқаддас ғалабанинг ўзи келмаган, уни қанча-қанча қон тўкиш билан, фронт ортида бир эмас, уч сменалаб хизмат қилиш билан шу кунларни яқинлаштиришга фидойилик кўрсатилган. Ана шу азиз авлодимиз — бу дунёдан кўз юмган ва ҳозир ёнма-ён ҳаёт завқини сураётганлар билан фахрланамиз бугун, уларга узоқ умр тилаб, мана шундай тантанали байрамларни эллик, олтинчи, юз йиллигини биргаликда нишонлашларини тилаймиз.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тобора ривожланаётган ўзаро ҳамкорлик самарасини берапти. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан ХХР давлат кенгаши раҳбари Ли Пэннинг яқинда республикаимизга қилган сафари, икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳукуматлараро битимлар ижросига киришяётганлиги ҳам унинг яққол далилидир.

Маълумки, 1992 йили Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси республикаимизга ташриф буюрганди. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Б. Жамолов раҳбарлигидаги делегация Умумхитой касаба уюшмалари Федерациясининг таклифига биноан дўст мамлакатда бўлди. Делегация

сафида Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Д. Н. Жаҳонгирова, Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Н. Т. Қосимов, Республика тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Ф. Ш. Ҳамроевлар бор эди.

Делегация аъзолари Пекинда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси Вей Цзянсин билан учрашди. Икки ўртада бўлган ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1992 йил мартда Хитойга қилган сафари ҳамда ХХР давлат кенгаши раҳбари Ли Пэннинг шу йил апрель ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари, ўзаро имзоланган муҳим тарихий ҳужжатлар дўстона муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари билан Хитой Халқ Республикаси касаба уюшмалари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари ҳақида, касаба уюшмаси кадрлари ўқуви, шунингдек, тижорат, қўшма

корхоналар тузиш масалаларида ҳам фикрлашиб олинди.


Ўзаро учрашувлар чоғида Тошкент вилояти ва Пекин шаҳар касаба уюшмалари ҳамкорлиги, Ўзбекистон кимё саноати ходимлари ва Хитой кимёгарлари касаба уюшмалари ҳамда республикаимиз ва Хитой тадбиркорлари касаба уюшмалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида фикр алмашилди.

Ўзбекистонлик вакиллари Хитой Халқ Республикасининг Циндао ва Цзинань шаҳарларида ҳам бўлиб, касаба уюшмалари фаолияти билан қизиқдилар. Давлат корхоналари ва қўшма корхоналар, ишчилар санаторийлари, маданият саройларини бориб кўрдилар. Ишчилар, касаба уюшмалари раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Айниқса, Циндао шаҳридаги эркин иқтисодий минтақа уларда катта таассурот қолдирди. Шамдун вилояти касаба уюшмалари ҳамда давлат корхоналари ишчи ва хизматчилари вакиллари Мажниси фаолияти билан корхоналар касаба уюшмасидаги ислохотлар уларнинг эътиборини тортиди.

"Ишонч" мухбири.

## ЁШ ИЖРОЧИЛАР ШАРАФЛАНГАН ОҚШОМ

ВАТАН иқболи, халқ бахти учун ўз авлоди, ўз даврининг куйчиси бўлишликни мақсад қилиб олган ёшлар ораимизда кўп. Улар бадий тўғараклар, маданият саройлари, клубларга қатнаб, маърифат оладилар, ижодий қобилиятларини тарбиялаб, вояга етказадилар. Келгусида эса халқнинг сеvimли хонандалари, бастакорлари, рақосалари, хуллас санъатнинг турли қирраларини пухта билган маҳорат эгалари бўлиб етишадилар. Шу йилнинг 11 май оқшоми



Тошкентдаги "Туркистон" саройининг эса саҳнаси ана шундай санъат шайдолари қатнашуви билан ҳақиқий байрам тусини олди. Мазкур маросимнинг ташаббускори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

бўлиб, 1993 йили "Республикада бадий ҳаваскорлик жамоаси қатнашчиларининг ижрочилик маҳорати, ҳаваскорлик халқ ижодиётини ривожлантириш ва тарғиб этишга қўшган муносиб ҳиссаси учун намунали клуб ва клуб муассасаси,



шунингдек, мутахассисини мукофотлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ танлов конкурси эълон қилган эди. Ана шу конкурс голиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати унвонига лойиқ деб топилдилар. Уларни Кенгаш раиси

Ҳ. Б. Жамолов барча касаба уюшма ходимлари ва шу кунги оқшомга йиғилганлар номидан сидқидил табриклади ҳамда уларга лауреатлик дипломи, кўкрак нишони, пул мукофотлари топширди.

(Давоми 8-бетда).

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Касаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгашида касаба уюшмалари кўмиталари фаоллари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Семинар мавзуси касаба уюшмаларида бўладиган ҳисобот сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўриш масаласидир. Бу ҳақда кенгаш ташкилий бўлими мудир И. Исановнинг маърузаси тингланди. Сўнгра семинар қатнашчиларининг саволларига жавоб берилди. Мана шундай семинарлар вилоятнинг Ғаллаорол, Фориш, Зафаробод, Пахтакор туманларида ҳам бўлиб ўтди.

"Ишонч" мухбири.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

ДАВЛАТ муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Наманган вилояти касаба уюшмаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун талабларини амалга оширишда "Тармоқ касаба уюшмаларининг ўрни хусусида"ги масала қараб чиқилди. Ушбу мавзуда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Нуриддин Исмоилов ҳамда тармоқ кўмитаси раиси Мираббос Жалилов маъруза қилдилар.

Бошланғич касаба уюшмалари ва тармоқ касаба уюшма кўмиталари раислари кўпдан-кўп саволларга жавоблар қайтардилар.

Йиғилишда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳабибулло Абдурахимов нутқ сўзлади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,  
"Ишонч" мухбири.

## МУРУВВАТ

МЕҲНАТКАШЛАРНИ ижтимоий ҳимоялаш касаба уюшма ташкилотларининг бош вазифасидир. Жиззах вилояти касаба уюшмаларида бунга доимо амал қилиб келинапти. Жорий йилнинг ўтган ойларида касаба уюшмалари вилоят кенгаши вилоят туманлари, Жиззах шаҳрида яшовчи турмуш шароити оғир оилаларга ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртидаги ёрдамга муҳтож талабаларга уч миллион сўм маблағ ажратди.

Маблағлар касаба уюшмалари вакиллари, маҳалла кўмиталарининг раислари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг раислари иштирокида тантанали равишда ўз эгаларига топширилди.

Муҳтожларга мурувват кўрсатилган пулларни Жиззах шаҳрида вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси И. Х. Хушиев топширди.

Алибой ЭРҒАШЕВ,  
"Ишонч" мухбири.


## ТАЛАБАЛАР ЭЪТИБОРДА

НИЗОМИЙ номидаги Тошкент давлат педагогика институтини талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилляпти.

Ректорат ва институт касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида иш юритади. Ҳар душанба кунинг ректор хузурида институт касаба уюшмаси кўмитаси, ёшлар иттифоқи кўмитаси раислари йиғилишади, — дейди биз билан суҳбатда институт касаба уюшмаси кўмитаси раиси С. Тўраев. Бу ерда йиғит-қизларнинг билим олиши, шахсий турмушлари ва муаммолари юзасидан фикр алмашилади, ўзаро очиқ мулоқот ўтказилади.

Яқинда бу ерда бўлиб ўтган анжуман ишида қатнашган шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Т.А.Акрамова институтда қилинаётган кўпгина ишлар талабаларга бўлган меҳр-мурувватнинг ёрқин ифодаси ва гамхўрлик намунаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

"Ишонч" мухбири.



Тошкент чинни заводи маҳсулотларининг бозориги ва оламшумул бўлиб бораётгани кўп жиҳатдан чинни буюмларга чизилган гулларнинг кўрамлиги ва оҳанграболигига боғлиқдир.

Суратда: корхона гул цехи безакчилар бригадир Авазботир Саидқабаров шогирди Рустам Еқубовнинг ишини кузатмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## 2. КОНСТИТУЦИЈАМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Қабул қилинган Асосий Қонунни нима учун биринчи Конституция деяпмиз? Бундай дейишга бир неча сабаблар бор.

Биринчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг муқаррар равишда ўзининг Асосий Қонунини қабул қилишга зарурат туғилди. Чунки ҳар бир мустақил давлат ўзининг Конституциясига эга бўлиши керак.

Иккинчидан, биз бозор иқтисодиёти томон одимлаб борар эканмиз, натижада, тубдан янги иқтисодий тузимга ўтаёмиз. Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётини энг асосий томонлари Конституция томонидан тартибга солинади.

Учинчидан, қабул қилинган Конституция ҳеч кимнинг кўрсатмаларисиз, бирон-бир тайёр андозадан кўчирмачилик йўли билан эмас, балки жаҳон ва тарихий конституциявий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб тайёрланди.

Тўртинчидан, Асосий Қонунимизда сўнги йилларда Республикаимизда жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ўтган янги конституциявий институтлар ўз аксини топган. Бундай институтлар жумласига Президентлик бошқарув шакли, ҳокимлик институти, Конституциявий назорат, сайлов тизимидаги ўзгаришлар, кўшартиявийлик, мулкчиликнинг хилма-хиллиги ва ҳоказолар кирди. Шу сабабларга кўра Асосий Қонуннинг чиндан ҳам мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси деса бўлади.

Асосий Қонунимизнинг олдинги ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажратиб турадиган жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, авваламбор, ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси мақсадлари ва гоҳларига кўра янги ҳужжатдир. Республикаимизнинг олдинги Асосий Қонунлари бизни собиқ Иттифоқ таркибиде қоғоздагина "мустақил" бўлган давлатнинг Конституциялари эди. Ушбу Қонунимиз биринчи моддасидан то охиригича моддасигача мустақиллик гоёси билан сугорилган.

Иккинчидан, Асосий Қонун ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ҳам ажралиб туради. Бунда 1991 йили қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Конституциявий Қонун муҳим мезон бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, Асосий Қонун бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафқуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан сугорилмаган.

"Унда коммунистик мафқура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ" 1. Умумбаршиқ инсоний қадриятлар биз қураётган ҳуқуқий давлат ва демократик адолатли фуқаролик жамиятининг асоси бўлмоғи керак.

Тўртинчидан, Асосий Қонун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган. Чунки Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг Конституциясида шундай талаб ва қоидаларни тан олган ва мустақамлаган.

Бешинчидан, Асосий Қонун жаҳон Конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атофлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конституцияимиз энг тараққий этган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Туркия, Франция, Швеция, Италия каби Ғарб давлатлари, руҳияти ва этник жиҳатлари бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик гоёларини тараннум этувчи халқаро ҳужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган.

Олтинчидан, Асосий Қонунимизнинг мустақил давлатимиз раънақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белгиси унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибасини миллий-маънавий ва ҳуқуқ қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштириб қўлланилганидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Ўз ички тузилиши билан Асосий Қонун жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади. Муқаддимаси жуда қисқа ва кўтаринки руҳда ёзилган. Унинг моҳияти: Конституцияни халқ, яъни давлатнинг ҳақиқий соҳиби қабул қилади ва унда ўз иродасини ифода этади.

Конституциянинг асосий мантиқий йўналиши қуйидагича: инсон-

## УЮШМА РАИСЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Тошкент шаҳар машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг ташаббуси билан "Алгоритм" ишлаб чиқариш бирлашмасида тармоқдаги касаба уюшмалари раисларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси О. Сафоев кириш сўзи билан очди. У касаба уюшмалари олдига турган болаларни ёзги дам олишини ташкил этишга алоқадор вазифалар ҳақида сўзлади. Болалар оромгоҳи жойлашган тоғ ва тоғолди зоналарида кўчки ва селни олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар билан таништирди.

"Алгоритм" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли "Эльбурс" болаларни соғломлаштириш оромгоҳи бир вақтда 640 нафар ўғил-қизни қабул қилади.

Сихатгоҳда ўтган йили 3100 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Бирлашма ходимлари фарзандларининг 960 нафарига "Чернобыль" ўзаро ижтимоий ёрдам жамияти, байналминалчи жангчиларнинг фарзандлари ва болалар уйининг тарбияланувчиларига йўлланмалар бепул берилди.

Шаҳар машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шоикром Исроилов болалар оромгоҳини ёзги дам олишга тайёрлаётган корхоналарни рағбатлантириш мақсадида мукофотлар ажратилганлиги ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Шавкат Одилов касаба уюшмалари бўлгуси ҳисобот-сайлов мажлисларини ўтказишга тайёргарлик ҳақида гапирди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ҳуқуқшуноси Н. Ефимованин "Ўзбекистоннинг янги меҳнат қонуни ва республика касаба уюшмаларида ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш ҳақида"ги маърузасини тингладилар. Касаба уюшмалари раислари меҳнат қонунига киритилган ўзгаришлар, ишчилар, пенсия олувчилар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш ҳақидаги фикрлар билан танишдилар.

"Алгоритм" ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Йўлчибой Раҳимжонов корхонада "Микрон", "Селен", "Хумо" сингари 12 та кичик корхона ташкил этилганлигини қайд этди. Кичик корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўлаймоқда, Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш бирлашма касаба уюшмаси кўмитасининг диққат марказида. Шу йилнинг биринчи чорагида ёрдамга муҳтож оилаларга 2 миллион 50 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Семинар қатнашчилари "Алсиб", "Илғор" каби корхоналарда фермерлар ва ишбилармонлар учун ишлаб чиқарилаётган кичик механизмларнинг иш жаравни билан танишдилар. Фермерлик ҳўжалигида улардан фойдаланиш самарадорлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Сандазим ШАРОФХОНОВ,  
"Ишонч" мухбири.

жамият — давлат. Биринчи бўлимда мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий конституциявий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устуңлиги ҳамда ташқи сиёсатимиз тамойиллари кирди.

Биринчи бўлим конституциявий тузимнинг асосий принциплари йиғиндисидан иборат бўлса, иккинчи бўлим инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ўзбек хартиясидир. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларининг яхлит ва кенг тизимидир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлимнинг давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимлардан олиб берилганлиги ҳам маълум бир мантиққа асослангандир. Ҳуқуқларни инсонга давлат инъом қилмайди, балки фуқаро ўзига озодлик томонидан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлар мажмуидан онгли равишда ва масъулиятни ҳис этган ҳолда фойдаланади.

Учинчи бўлим одатдагидек эмас, жаҳоннинг биронта Конституциясида бундай бўлим йўқ. Бу бўлимнинг асосий мақсади: фуқаролик жамиятининг аъналарини тиклаш, ижтимоий уюшмалар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлаш.

Бу бўлим Конституцияга нима учун киритилган?

Биринчидан, совет тузими ҳукмронлик қилган йилларда ўта давлатлаштириш сиёсатини натижаси ўлароқ, жамиятнинг барча жабжалари давлат назорати остида эди. Айни вақтда тушунчаси жамият тушунчасидан тор бўлиб, жамиятнинг бир таркибий қисмидир, холос.

Иккинчидан, жамият институтлари билан давлатни ўзаро муносабатлари авваламбор Конституция даражасида белгиланмоғи даркор.

Учинчидан, давлат таркибига кирмаган жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари ўзининг конституциявий мақомини топган.

Бу бўлим "жамият дунёвий неъматлар орасидаги энг улуги — инсон деган фикрни" ўзида мужассамлаштирган.

Конституциянинг тўртинчи бўлими маъмурий-худудий ва давлат тузилишига бағишланган. Ўзбекистон вилоятлари, туманлари, шаҳарлар, шаҳарчалардан иборат маъмурий-худудий тузилишга эгадир. Республика таркибига Қорақалпоғистон республикаси ҳам кирди. Бу суверен давлатнинг конституциявий мақомига ва Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларига махсус 17-боб бағишланган.

Бешинчи бўлим давлат ҳокимияти идораларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, Конституциядаги энг катта қисм ҳисобланади. Бу бўлимда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзининг амалий ифодасини топган, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари конституциявий мақоми муайян тартибда мустақамланган.

Давлатимизнинг марказий идоралари Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Мақамаси, Конституциявий, Олий ва Ҳўжалик Суллари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг конституциявий мақоми белгилаб берилган.

Сайлов тизимининг принциплари, молча ва кредит, хавфсизлик ва мудофаа масалалари ҳам конституциявий тартибга солиш доирасига кирган.

Сўнги олтинчи бўлим Конституциянинг ўзгартириш муаммосига бағишланган бўлиб, ҳуқуқий нуқтаи назардан Асосий Қонунни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши унинг: биринчидан, фуқаролар тинчлигига, яъни миллий ва ижтимоий тотувликка; иккинчидан, шахс эркинлигига ва сайлов эркинлигига; учинчидан, сиёсий барқарорликка; тўртинчидан, фаровонлик ва иқтисодий ўсишга; бешинчидан, давлатнинг одамлар олдидеги ўз бурчини бажаришга эришишга қаратилган.

Ислол динини ҳисобга олмоқ керак. Бозор — бу психологиядир. Буни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик-қашшоқлик кўрмасдан, кишиларга зиян-заҳмат етказмасдан Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига етиб келишимиз.

Биз мутлақо янги ижтимоий-сиёсий тузум ва давлат тизимини яратмоқдамиз. Ўзбекистон — келажига буюк давлат. Давлатимизнинг ҳамма нарасаи: табиий бойликлари, серҳосил ерлари, буюк дарелари бор. Бу муқаддас ерда меҳнатсевар, истеъодли халқ яшайди. Бизга тиниб-тинчимас, сергайрат, ишчан, халққа садоқат билан хизмат қиладиган, ўз ҳаётини бағишлайдиган билимдон, ташаббускор кишилар керак.

Акмап САИДОВ,  
Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтини ректори, профессор.

# ТАЪЛИМГА ЙЎЛ

Ҳар соҳада бўлганидек, Республикамиз халқ таълими тизимларида ҳам тубдан янгиланиш рўй бермоқда. Дарслигу дастурлар, турли услубий қўлланмалар бугунги талаб даражасидан келиб чиқиб яратилмоқда. Миллий таълимни тўлалигича жорий этиш амалий тус олмақда.

Умумтаълим мактаблари таълим-тарбия ишларини кенгроқ йўлга қўйишда асосий омил бўлмоқда. Унутмаслик керакки, мустақил Республикамиз энди қад тиклаб, тамоман янгитдан ўз пойдеворини қурмоқда.

Ана шу кенг қўламли янгиланиш даврида ўз-ўзидан қутилмаган муаммолар, талаблар келиб чиқади. Эсингизда бўлса керак, "Ишонч" орқали республика халқ таълими Вазири Жўра Ганиевич Йўлдошев, вазирликнинг бир қатор масъул ходимлари, мутахассислари ўқитувчилардан келган саволларга жавоб беришди.

Албатта умрини таълим-тарбия ишига бағишлаган ярим миллионга яқин муаллимларнинг ўзига яраша муаммолари, талаблари, сўрайдиган саволлари кўп бўлади. Улар буларга жавоб излаб, тушунтириб беринг, деб, марказга, газета-журнал тахририятига мурожаат қиладилар. Аслида эса, мамлакат даражасида чиқарилган ҳар бир қонун, ҳар бир қарор туман, шаҳар, вилоят раҳбариятлари қўлига ўз пайтида бориб етади. Маъбуотда эълон қилинади. Очiq мулоқотларда кенг тушунтирилади. Саволларни кўриб, бехосдан ўйлаб қоласан. Шуларга жойлардаги ходимлар жавоб бериб, масалани ўз ерида ҳал қилишса бўлмайди? Ахир савол билан мурожаат қилган ҳар бир кимса жавоб қутади. Вақти кетади. Кеча ва кундузимиз эса ўлчовли.

Ҳар бир хатнинг умид билан ёзилганини ҳисобга олиб, таълим-тарбия ходимларидан тушган бир қатор саволларга жавоб беришни Республика халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саъдуллаевич САИДЖОНОВДАН сўрадик.

— **Ўрта ва махсус билими бор ўқитувчиларга тоифа бериладими?**

**Е. ЖАНАБАЕВА,**  
КониMex тумани, 3-ўрта мактаб, Р.  
**ДОВУРОВА,**  
Ғазалкент шаҳар, Беруний, 8/3

— Фикримизча гап умумий ўрта ва махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар устида бораётганга ўхшайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги "Таълим тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг тасдиқланиши ва уларни амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги 406-Қарори билан "Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасаларида педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Мазкур Қарорнинг бажарилиши ҳамда педагог ходимларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш ва ўқув-тарбия жараёни сармоясини янада яхшилашда аттестациянинг рағбатлантирувчи омилини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1993 йил 6 сентябрда 276-сонли "Давлат таълими муассасаларида педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида" буйруқ қабул қилди. Ушбу буйруқда тасдиқланган "Педагог ходимларнинг алоҳида гуруҳлари учун малака талаблари бўйича тавсияномалар"га кўра педагог лавозимида ўз мутахассислиги бўйича камида 5 йил стажга эга бўлган ўрта махсус маълумотли ўқитувчига 2-тоифа (7 разряд) берилиши мумкин.

Низомга биноан (II бўлимда) ўрта махсус маълумоти бўлмаган ўқитувчиларга тоифа берилмайди.

— **Тоифа 5 йил муддатга берилган бўлса, уни муддатдан олдин қимларнинг бекор қилишга ҳаққи бор?**

**С. ШАИНБОЕВА,**  
Навоий вилояти, КониMex тумани,  
"Шўр кўл" ижара хўжалиги, 3-сон  
мактаб.

— Агар ўқитувчининг ишга муносабати ўта ёмон бўлса, уни камида

бир йилдан сўнг навбатдан ташқари (муддатидан илгари) аттестациядан ўтказиб, тоифасини ўзгартириш ҳуқуқи маъмуриятга берилган.

— **Наманган шаҳридаги 41-ўрта мактабда 25 йилдан бери лаборант бўлиб ишлаб келаман. Менга ҳам ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлар: электр, газ, сув, автобус чиптаси учун 50 фоизли имтиёзлар бериладими?**

**Воҳиджон ОТАМИРЗАЕВ.**

— Ўзбекистон Республикаси Молия, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги "Бошланғич синфлар ўқитувчиларининг маошини ошириш", 1990 йил 13 ноябрдаги "Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш, 1991 йил 29 декабрдаги "Нарх-наво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари", 1992 йил 5 февралдаги "Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, илмий ходимлар ва ўқув таълимидаги ташқари ердамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар" ҳақидаги фармонларидаги имтиёзлардан фойдаланиш тартибининг 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонларига асосан турар жой ва маиший хизматларга имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига мактаб лаборантлари киритилмаган.

— **Биринчи тоифа фан ўқитувчиси ўз мутахассислигидан ташқари бошқа фандан ҳам 2-3 соат ҳафтасига дарс ўтса, ўша дарслари учун қайси тоифа билан ҳақ тўланади?**

**Бобонор РАСУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани,  
30-ўрта мактаб.

— Мазкур дарс соатлари вақтинча ва соатбай бўлганлигини назарда тутиб, ўз мутахассислиги бўйича олган тоифаси асосида ҳақ тўланиши мақсадга мувофиқ.

— **Тоифалаш босқичма-босқич бўлиши керак деган гапни кун ора эшитамиз. Лекин замон қотиб қолган бир хиллик билан яшай олмаслигини кўриб турибмиз. Бундай дейишимга сабаб, мактабимизга она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб келган Мадумар Турдиматов тўрт йилдан ортиқ фурсатда энг паст ўзлаштирувчи деб ҳисобланган синфда дарс бериб, шу синф ўқувчиларини икки йил ичида олий тоифадаги синф даражасига олиб чиқди. Бундан ташқари еш ўқитувчилар танловида II-ўринни, вилоятда ўтказилган "Сўз санъати" танловида I-ўринни олди. Бу йил у олий аттестациядан ўтиш учун ариза берди. Аттестация комиссиямиз унинг ноябрь-декабрь ойларида 43 соат дарсини кузатди. Ҳамма дарслари намунали деб топилди. Гап шундаки, у ўта ижодкор, изланувчан. Мунтазам ўз устида ишлайди. Аттестация комиссияси унинг ишларини обдон ўрганиб, олий тоифадаги ўқитувчиликка тавсия этди. Туман халқ таълими бу тавсияни инобатга олмай, тоифа босқичма-босқич бўлиши керак, деб, унга фақат иккинчи тоифа бериш мумкин, дейишмоқда. Инструкцияни пеш қилиш, бу ижодкорликни ўлдирмайди?**

**Турдиали ҲОЖИҚУРБОНОВ,**  
Олтиариқ тумани, 19-мактаб  
директори.

— Дарҳақиқат педагог ходимлар гуруҳлари учун малака тоифаси талаблари бўйича тавсияномага кўра олий маълумотли ўқитувчига олий малака тоифаси беришда унинг биринчи малака тоифаси лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши талаб этилади. Агар ўқитувчи ҳақиқатан ижодкор, изланувчан, юксак кўрсаткичларга эришган мутахассис бўлса, II-малака тоифаси бериб, мактаб маъмурияти эса бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан унга олий малака тоифаси юзасидан иш ҳақи белгилаши мумкин.

— **Битта уйда 2 та оила бўлиб яшаймиз. Иккала оилада ҳам ўқитувчи бўлиб ишлайдиганлар бор. Ўқитувчи учун берилган имтиёзлардан булар қандай тартибда фойдаланади?**

**Г. МАТКАРИМОВА,**  
Янгибозор қишлоғи.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 13 ноябрдаги "Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари, тарбиячиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш" тўғрисидаги фармонига биноан қишлоқда яшовчи ўқитувчилар коммунал хизмати имтиёзларидан 100 фоиз фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарорига биноан электр қувватидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро учун ҳар ойда 110 киловат соат ҳажмида фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Шу миқдордан ошса, электр қувватидан фойдаланувчи шахс қолган киловат соатлар ҳаққини белгиланган баҳода тўлайди.

1. **Иш-яшаш жойим туман марказидан 50-60 км. узоқда. Муаллимларнинг пулини халқ таълими бўлиmidан олашим. Ўртача бир ойда 700-800 минг сўмни ташкил қилади. Ана шу ойлик пулини олиб келишса бўлмайди? Давлат банкидан пул олсангиз, маълум чегарадан кейин кузатувчисииз, транспортсизларга рухсат бермайди-ку?**

2. **Ҳозирги пайтда умумий ўрта маълумотлиларни тарбиячилик, ўқитувчиликка олиш мумкинми?**

**Шарифхон ҲАСАНОВ,**  
Поп туманидаги 24-ўрта мактаб.

Биринчи саволга жавоб — Бу масала ўша жойдаги туман халқ таълими бўлими билан ҳал қилингани маъқул.

Иккинчи саволга жавоб: — Йўқ, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасига биноан давлат таълим муассасаларида педагог ва тарбиячи бўлиб ишлаш юксак ахлоқий сифатларга, тегишли маълумот ва касб тайёргарлигига эга бўлган шахсларга берилади. Яъни, мутахассислар ишга олинади.

— **Уқиш йиллари иш стажига қирадими?**

**Дилвар ДАДАЕВА,**  
Арнасой тумани, 2-мактаб.

— Ўзбекистон Республикасининг фуқароларни нафақа билан таъминлаш тўғрисидаги давлат Қонунига биноан ёшига қараб пенсияга чиққанида ўрта махсус ўқув муассасалари, олий ўқув юртлари, турли даражадаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида, аспирантура ва докторантурада ўқиган йиллари ҳисобга олинади.

— **Мактабимизда 450 та ўқувчи билим олади. Айтингчи, мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари қанча маош олиши керак?**

**О. ЭРГАШЕВ,**  
Бекобод тумани, 22-мактаб.

— Умумтаълим мактабларида мавжуд синф сонига қараб мактабда хўжалик ишлари бўйича бўлим мудирини еки шу соҳа ишини юргизувчи директор ўринбосари лавозими ўрни берилади. Агар мактабда II-16 гача синф бўлса, хўжалик ишлари бўйича мудирини, унда ошса, директор ўринбосари вазифасида ишлайди. Шунга кўра халқ таълими тизимида ишлайётган хўжалик ишлари мудирлари учун 2 еки 3 разряд бўйича маош белгиланган. Уларнинг ойлик иш ҳақи шу йилнинг I мартидан бошлаб 55250 сўм-купон еки 61650 сўм-купонни ташкил этади.

директор ўринбосари лавозимида ишлайётган хўжалик ишларини юргизувчи эса шу мактабда директорга белгиланган маошдан 10-30 фоиз камроқ олади. Аниқ миқдорини мактабга ажратилган иш ҳақи ҳажмидан келиб чиқиб, мактаб раҳбари ҳал қилади.

**Савол-жавобларни ёзиб олувчи:**  
**С. БАҲНОЕВ.**



Мамлакатимиз келажакни малакали ишбилармон мутахассисларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу соҳада Жиззах сут заводи ишчилари ўзларини кўрсатмоқдалар. Бир йил олдин завод "Жиззахсут" епик акционерлик жамиятига айлантирилган эди. Корхонанинг ишбилармон директори Аҳмад Бўронов қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришни қолоқликдан олиб чиқди. Бу ерда пишлоқнинг тўрт хили ишлаб чиқарилмоқда. Ҳаммаси бўлиб эса 20 хилдан ортик сифатли маҳсулот аҳолига етказиб берилаётир. Харидорлар айниқса "Шифо" деб номланган сутли ичимликни севиб истеъмол қилмоқдалар.

Бозор талабларидан бири маҳсулотни сифатли, бежирим, чиройли қилиб безашга ҳам боғлиқ, — деб ҳисоблайдилар акционерлар. Улар бунинг ҳам уддасидан чиққанлар.

Ишга янгича ёндошиш ўз натижаларини бермоқда. Йилнинг биринчи чорагида 170 кишидан иборат корхона жамоаси 1 миллиард 600 миллион сўм-купонлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Акционерлик жамияти ўзининг 4 дўкони, сут барига эга. Яна учта дўкон қурилмоқда.

Иш натижалари яхши бўлганлиги туфайли ҳам ишчилар даромади кундан кун ошмоқда. Уларга мукофотдан ташқари тушлик пули ҳам тўланмоқда. Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Зуҳра Аҳмедова.

Б.ТЎРАЕВ (ЎЗА) фотоси.

## Селга қарши кураш - умухалқ иши

### ОДАМЛАР ҲАЁТИ АЗИЗ

"Биз учун инсон ҳаёти — энг азиздир. Ҳеч нарса — на демократия, на ислоҳот битта гўдакнинг бевақт хазон бўлган ҳаётига арзимади", — дейди Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган "Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда бу туйғу ўз ифодасини топган. Мухбиримиз "Ўзбекгидрогеология" ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сурхондаре гидрогеология хизмати бошлиғи Б. Ш. Бозоров, вилоят сув хўжалиғи бирлашмаси бошлиғи Ш. П. Мирзаев, вилоят фуқаролар муҳофаази вакили Ю. Г. Шигаи, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси муовини А. К. Ишмухамедова билан учрашиб, ушбу қарор қандай бажарилаётгани билан қизиқди.

Б. Ш. БОЗОРОВ: Бу йил об-ҳаво серегин келишини ҳисобга олиб, вилоят қишлоқларининг 26 тасида ҳавфли геологик жараён бўлиши тўғрисида ахборот берган эдик. Вазирлар маҳкамаси қароридан сўнг, табиий шароитни синчиклаб ўрганиш натижасида биргина Сурхондаре тоғларига қор бултургидан 2 баробар кўп тушганини аниқладик. Ёмғир устига ёмғир ерди. Натижада 41 жойда кўчки жараёни содир бўлди. Юз берадиган кўчкилар ёмғир еки қутилмаганда содир бўладиган ер билкинишлари кучли сурулмаларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ходимларимиз кўчки, ўпирилиш, сурулмалар қутилган жойларни кузатиш, табиатни ўрганиш ва таҳлил қилиш ишлари билан кеча-ю кундуз шуғулландилар.

Ш. П. МИРЗАЕВ: Сурхондаре — тоғлар ва дарёлар ўлкаси. Шу билан бирга уни сув омборлари ўлкаси деб аташади. Тошқинни талофатсиз ўтказамиз, деган шир остида сафарбарлик эълон қилганмиз. Шу хунларда вилоятдаги дарё, канал, сув омборларининг 97 жойини мустаҳкамлаш, тўсиш ва ҳимоя воситалари қуришни кучайтирганмиз. 630 минг куб метрдан кўпроқ тупроқ, 280 минг куб метрдан кўпроқ бетон, 2840 куб метр тош-шағал ишлари амалга оширилди. Канал, дарё ҳамда сув омборларини диққат билан кузатиб турибмиз. Кузатиш пунктлари алоқа воситалари ҳамда авто-уловлар билан таъминланган.

В. Г. ШИГАЙ: Сел сийламайди деб, бежиз айтишмайди. Нафақат сел, қор кўчкиси ҳам, тупроқ сурилиши ҳам, дамбалар ўпирилиши ҳам барча-барчаси инсон уиун офатдир. Шундай офатлар ҳақида биринчи бўлиб эл-юртга хабар беришни ҳар қачонгидан кучлироқ ҳис қилмоқдамиз. Вилоят ҳамда туманлар ҳокимликларида ташкил этилган навбатчиликни асосан зобитларимиз олиб боришмоқда. Сув омборлари, дарё бўйларида бедор турган ходимларимиз сув ҳажмининг пасайиш еки кўтарилишига доир маълумотлари аҳволни тўғри баҳолашда энг ишончли манба бўлиб хизмат қилаётир.

Фуқаролардан иборат тузулмаларимиз аъзолари кишилар хавфсизлигини таъминлаш ишларида ўз бурчларига содиқ қолишмоқда. Улар қор ва тупроқ кўчкиси остида қолиши, сел ювиб кетиши хавфи бор 312 оила ва 2 мактабни белгиланган жойларга аниқ муддатларда кўчиришга эришганлар. Бу иш ҳозир ҳам давом этаётир.

А. К. ИШМУХАМЕДОВА: Вилоят касаба уюшмалари кенгаши, шунингдек, касаба уюшмалари тармоқ кўмиталари энг яхши фаолларини бошланғич касаба уюшмаларига юбордилар. Мақсад — эл орасида бўлиб, касаба аъзолари жанговарлигини ошириш, одамлар хавфсизлигини таъминлаш ишларида яқиндан ердан беришдир. Аҳдимиизга содиқ қолиб, "Хонжиза" сихаттоҳимизни қўчиб чиққан юз оила ихтиёрига топширдик. Шу оилалар соғлиғи ҳақида дамхўрлик қилиш, уларнинг яхши ўрнатиб олишлари учун шароит яратиб бериш оромгоҳ ходимлари касаба уюшмаси аъзоларининг диққат марказида доим.

Сухбатдон: Саломжон МЕНҒНОРОВ,  
"Ишонч" мухбири.

## ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ ОЧИЛДИ

Жиззах вилоят матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли савдо-харид базаси қошида ташкил этилган тикувчилик цехида чойшаб, кўрпа-естиқ қопламалари, болалар кийимлари сингари кўплаб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Унда 60 нафар тикувчи фаолият кўрсатмоқда.

— Биз янги тикув цехини тиклаш билан икки муаммони ҳал этдик, — дейди савдо-харид базаси директори Қ.Райимзонов, — биринчидан, жамоада қисқартиришга тушган ишчилар учун янги иш ўринлари тайёрладик, иккинчидан халқ истеъмол молларини бошқа мамлакатлардан келтирилишдан қутилдик.

"Ишонч" мухбири.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА

— Президентимизнинг, — деди биз билан суҳбатда қарийиб ўттиз беш йил муаллимлик қилган Ботир ака Ортиқбоев, — республикада тадбиркорликни ривожлантириш, давлат хўжалиқларини нодавлат хўжалиқларга айлантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, ерни ва чорва молларини ишончли қўлларга топшириш тўғрисидаги маърузаларини эшитгач, фермерлик ҳаракатига қўшилишга азму қарор қилдим ва давлатдан 50 минг сўм пул қарз олдим. Шахсий автомашинаمنى сотдим. Жамғармаларимни ҳам қўшиб, йиғилган пулга 1991 йили 60 бош зотли сизир сотиб олдим. Подайи ўғлимиз Улугбек боқа бошлади. Говмишларни қизимиз Манзура, келинимиз Гулсора соға бошлади, бузоқларни турмуш ўртоғим Хурсаной парвариш этишга киришди. Ёзда хашар йўли билан хашак жамғардик. Натижада йил охиригача биойидек фермер бўлиб қолдик. Шартномада кўрсатилган гўшт ва сутни етказиб турибмиз.

Уч томони қирлар билан ўралган сойда отамиз қурган уй бўларди. Уша уй ўрнида 100 бош молга мўлжалланган молхона қурдик. С. Аиний номидаги хўжалиқдан 1960 йилда қурилган эски молхонани ҳисобимизга ўтказиб 300 бошгача қорамолни парваришлаш имкониятига эга бўлдик.

Ҳозир моллар сони 170 бошга етди. Айни пайтда кунига 500 литр сут соғиб олмақдамиз. Давлатга 100 тоннадан зиед сут, 20 тонна гўшт етказиб бердик.

Ўғлига участка қураётган қадрдонимни шошилиб кетаётганида учратиб қолдим.

— Михдан тортиб оҳаккача анқонинг уруғига айланган кунда иморат тиклаётганлар ўлмасин-да, — дедим ҳазиллашиб. — Сиз билан саломлашишга одам хижолат қилади. Ҳар қачонгидек дақиқаларингиз ҳисоблидир бу сафар ҳам? У беихтиёр жилмайди:

— Нимасини айтасиз! Янгиқўрғон туманининг Исковат қишлоғидан гишт ташиялман.

— Бузоғидан тушови қиммат тушиб кетмасин тағин?

— Гул билан гулнинг фарқи бор, деганлар, биродар. Бошингизга тушганда биласиз. Дуч келган жойдан олганингиз уйга етиб келгунча ярми кукун. Мен айтган жойинки гиштмисан гишт. Томдан туриб бетонга ташланг, жаранглаб тушади, синса — мен кафил. Ахир, Қандиён тупроғидан бунёдга келган-да. Шўр, арзиқ деганни билмайди. Бир-икки юз йил "қилт" этмайди. Қолаверса, корхонадагилар ҳам ўз ишларига моҳир, фидокор одамлар. Ҳар донаси фалон пул турган ҳозирги замонда ярмини йўққа чиқаргандан кўра, чинақамига эга бўлиш — йўл кира харажати ўрнини қоплаб кетаркан.

Хизмат юзасидан Наманган сув хўжалиғи қурилиши трестига кирганимда участка ҳаракатида юрган ҳалиги танишимнинг гапини текшириб кўрмоқчи бўлдим.

— Қандиён заводимизни сизга ким таърифлаган бўлса, алдамаяпти, — дейишди трестдагилар. — Йилига 3,5 миллион донга гишт ишлаб чиқариш режалаштирилган жойда 4,5-5 миллионга етказишяпти, трестимиз тизимидаги

## ҚАНДИЁН ХАЗИНАСИ

барча ташкилотлар эҳтиёжини қондиришга эришишмоқда. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Аҳоли яшаш жойларидан беш-олти чақирим олисликда, адирлар орасидаги бу саноат тармоғида иш ташкил қилиш, хомашё тайёрлаш, печларнинг бир меъёрда ишлашларини таъминлаш, ишчи-хизматчилар олдида турган вазифаларининг бажарилишига сафарбар этиш учун бошларини қовуштириш катта ташкилотчилик ва куч-ғайратни, тажрибани талаб этади. Кооператив директори Холхўжа Усмонов бунинг уддасидан чиқаяпти.

Шу тариха трестда ҳам, туманда ҳам адирлар бағридаги қурилиш тармоғи жамоаси, унинг саркорлари ҳақида кўгина илиқ гаплар эшитдим. Маълум бўлишича, 70 йилларнинг ўрталарида Янгиқўрғон ва Косонсой туманлари чегарасидаги бекор ётган Қандиён адирлиги тупроғининг ўзига хос хусусиятларини сезиб қолганлар гишт тайёрлаш цехи ташкил этишга киришилган. Аҳоли пунктларидан узоқлиги, усқуналар етишмаслиги ишонин олдинга силжишига тўқинлик қилган. Етарли меҳнат шароитининг йўқлиги, маошнинг камлигидан ишчилар бирин-кетин кета бошлаган. Узоқ йиллар таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини бошқариб келган Холхўжа Усмонов директорликка тайинлангач, аҳвол тамоман ўзгарган. Қандиён гиштининг таърифи кетди, сотиб олувчилар кўпайди. Ишлаётганлар учун маийий шароит яратишга киришилди. Лекин имзосиз хатлар ҳам пайдо бўлди. Холхўжа аканинг тўғри сўзлиги таъбирларга ёқмади... Ҳақ жойига қарор топди, эски директор тағин ўз вазифасига тикланди. Усмонов шарофати билан тўхташ ҳолатига келган корхона яна оёқга турди, тарқалиб кетган жамоа аъзолари қадрдон ишхоналарига қайтдилар. Қандиён гиштининг доғуриги вилоят бўйлаб ёйилди.

— Қайтиб келгач, — дея эслайди Холхўжа ака. — Мутахассисларни, ишбилармонларни тўпладим. Аҳволни тушунтирдим. Корхонани кооперативга айлантириш ҳақидаги фикрларимни кўпчилик маъқуллаганликларини, 6 бош сизирим, ўндан ортик кўйимни сотаётганлигимни айтдим. Шу тариха 7 киши тўпландик, бор бисотимизни йиғдик. Жамоа аъзоларига ёнимиздан маош тўладик. 1988 йилнинг 2 декабридан туман ижроия кўмитасининг қарорига биноан завод кооператив корхонага айлантирилди. Маъмурий бозор ҳодимлари 90 фозга қисқартирилди. Бу борада тежалган маблағ ишчиларнинг ойлик иш ҳақини ошириш, маийий аҳволни яхшилаш мақсадларига йўналтирилди.

Бугунги кунга келиб, яшаш-ва меҳнат шароитлари билан танишсангиз кўз қувонади, кўнгил таскин топади. Ишлаб чиқаришни уюштириш ва тупроқ захираси учун ажратилган 30 гектар майдоннинг ўтмишда зог учмаган 5 гектарда ажойиб боғ яратилди. Холхўжа Усмонов дастлаб иш бошлаган кезларида таъмам тоши қўйилган ишчилар посёлкасига "Қандиён" номи берилди ва у тобора гавжумлашиб бормоқда. Ҳозир 120 дан ортик оила истиқомат қилаяпти. Корхона қошида фаолият кўрсатаётган дўкон, ошхона, соғломлаштириш пункти, болалар боғчаси улар ихтиёрида. Новвойхона, қассобхона ишлаб турибди.

Завод даромадини кўпайтириш, ишчи-хизматчилар турмуш шароитини яхшилашда ердამчи хўжалик муҳим роль ўнамоқда. Бир йилдирки, хусусий чорвачилик тармоғи фаолият кўрсатапти. 130 дан ортик оила кўй ва бир неча сизир парвариш қилинаёпти. Ҳар ойда икки мартадан қўй сўйилиб, гўшти арзон сотилаётган бўлса, сизир сути болалар боғчаси, оғир шароитда ишлаётганларга берилмоқда. Бундан ташқари, жамоани бозор иқтисодиёти қийинчиликларида муҳофаза қилишнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилмоқда. Тупроғи олинган қирлар ўрнига пешма-пеш ғалла сингари озиқ-овқат экинларидан деҳқончилик қилинапти. Бу эса вақти-вақти билан буғдой, картошка, сабзавот етказиб бериш имконини туғдираяпти. Тушликнинг бепулга айланганлигига бир йилдан ошди.

Замонавий техника ва усқуналар билан қуролланган ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати қад кўтармоқда.

— Холхўжа аканинг ҳаракатчанлиги туфайли анча кейинга мўлжалланган режалар муддатидан 2-3 йил олдинроқ рўёбга чиқмоқда, — деди трест бошлиғи Турсунбой Ҳамроев. — Усқуналарни узоқ шаҳарлардан толиб келди. Табиий газ эрта баҳордаёқ етиб келган. Янги қувват ишга тушгач, йиллик гишт миқдори 22 миллион донга етади. Бу эса трест эҳтиёжидан ташқари Янгиқўрғон, Чортоқ, Косонсой туманларини ҳам қурилиш билан тўлароқ таъминлаш имконини беради.

— Унинг ижтимоий жиҳатларини айтгин, — дея суҳбатга қўшилди туман ҳокими Турғунўлат Қирғизов. — Завод қуввати тўла ишга тушгач, жамоа сони ҳозиргига нисбатан 5 бараварга ошади. Атроф қишлоқлардан анча одам иш топади. Ишчиларнинг оила аъзоларини ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш чораси кўрилаяпти. 30-40 аёл ўрнига мўлжалланган бичиш-тикиш цехи очилади. Чеварлик машиналари келтириб қўйилган. Иморатдаги таъмирлаш тугагани ҳамон ҳаракат бошланади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,  
"Ишонч" мухбири.

Молларни боқишда Холбой Очилов, Холиқназар Жуманов, Нуриддин Нурматовлар оила аъзоларимизга яқиндан ердан бермоқда.

— Бахмал туманидаги "Сарой" деҳқон фермер хўжалиғи бутун дадил одимламоқда. Ферма ихтиёрига берилган 200 гектар лалми ернинг 100 гектаридан буғдой, 100 гектаридан арпа ҳосили олинаяпти. Утган йилги 300 тонна ғалладан 50 тоннаси давлатга, 50 тоннаси уруғлик сифатида хўжалиқларга сотилди. Майдонларга кузда экилган арпа ва буғдой майсалари кўзни қувонтиради ҳозир.

Ферма ихтиёрида 5 гектар сувли, 15 гектар лалми беда майдонлари бор. Беда ва ғалла майдонларида 300 тонна хашак жамғарилган эди. Бу йил ҳам керагича хашак тўплаш чоралари қурилаяпти. Деҳқончилик ва далачилик ишларини Урол Жуманов, Малик Авазов, Нурали Шуқуровлар аъло даражада бажаришмоқда.

Деҳқон фермер хўжалиғи ихтиёрида 1 та комбайн, 2 та хайдов трактори, 2 та транспорт, 1 та "ЮМЗ-6" трактори, 3 та тележка, 1 та ем майдалагич мавжуд. Сутдан каймоқ ажратиш аппарати ҳам тўхтовсиз ишлаб турибди.

"Сарой" деҳқон фермер хўжалиғи давлатдан олган қараларини 1992 йилдаёқ қайтариб берди. Яна ҳозир у ишловчиларни тўлиқ маош билан таъминлаш, техника воситалари, ем-хашак сотиб олиш имкониятларига эга. Ферма қошида пишлоқ, қолбаса ишлаб чиқарадиган цехлар очиб режалаштирилган.

А. ЭРГАШЕВ,  
"Ишонч" мухбири.

## ТИББИЁТ ОЛАМИНИНГ КЎЗГУСИ

Қачон ва қандай ташкил топганидан қатъий назар ҳар бир музей ўтган даврлар ва шу кеча-қундуз ривожидан бир лавҳадир. Ҳар бир музей улкан халқнинг ўтмиш тарихи, босиб ўтган жанговар йўллари, маданияти, санъати, амалга оширган оламшумул ишлари, ютуқлари йилномасидир. У ҳаётнинг қайси соҳаси бўйича мазмун касб қилмасин, авлодлар турмушига жонли гувоҳ тақдир келажак насллар учун бой моддий манбаъ вазифасини ўтовчи бебаҳо ҳазинадир. Мухбиримиз Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи директори, Ўзбекистон халқ Академияси мухбир аъзоси Абдукарим Ҳайдарович УСМОНХЎЖАЕВ билан ҳудди ана шу ҳақда суҳбат қилди:

— Абдукарим ака, ахборот, тарғибот, бадий ижод, клуб, кутубхона, бадий ҳаваскорлик ва театрлар каби музейларнинг ҳам халқимиз учун аҳамияти бекиёс бугун. Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича жонли ва жўшқин олиб борилаётган ишлар деярли ҳаммани қизиқтиради. Шу жиҳатдан сиз раҳбарлик қилаётган музей фаолияти ҳам. Сизга биринчи саволимиз унинг ташкил топгани ва шу ўтган давр ичида олиб борилган ишлар ҳақида...

— Музейимиз марҳум профессор Қаюм Зоиров ташаббуси билан 1973 йили май ойида ташкил этилган эди. Музейнинг мақсади юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашда тиббиёт ходимларининг жонбозликлари, соғлиқни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари тармоқлари ривож, етук мутахассислар тайёрлаш муваффақиятларини тарғиб қилишдан иборат. Музей залларида Ўзбекистон тиббиётига асос солган, чор ҳукумати даврида эл соғлиғи учун астойдил курашган, ўз умрларини табобат илмига бахшида этган, шунингдек, ўша замонлардан то шу кунга қадар тиббиёт қандай тараққий топганини батафсил ҳикоя қилувчи материаллар билан мукамал танишиш мумкин. Шу мутахассислик бўйича илм олаётган талабалар, еш олимларнинг амалий тажриба орттиришлари учун тасвирий ашёлар, илмий ишларига

ердам берадиган манбаъларга тўла шарт-шароитлар мавжуд.

— Музейга қўйилган экспонатлар фақат тиббиёт соҳасида шугулланувчилар учунгина мўлжалланганми ёки ҳамма учунми?

— Шу соҳага қизиққан барча ёшдаги кишилар кириб, ўз тана тузилиши, вужудини ҳаракатта солувчи ҳар бир жараён ҳақида маълумотлар олиши мумкин. Ҳар бир қон томири, ҳар бир аъзонинг фаолиятини кузатиши, умрнинг эгови бўлган баъзи бир ярамас одатларнинг зарарларини билиб олиши, тасодифий содирликлар туфайли жароҳат топган маҳаллар ўзини ўзи шифолай олишни ҳам ўрганиши мумкин. Фақат ўзининггина эмас, балки атроф-теварағидagi кишиларнинг соғлигини сақлаш йўл-йўриқлари, бунинг учун табиий дори-дармон ҳамда воситалардан фойдаланиш усуллари бўйича ҳам бир мактабдир.

— Музейда тиббиёт илмининг буюк асосчиларини Абу Али Ибн Сино таълимлари ҳақида ҳам мужассам ахборотлар бўлса керак албатта?

— Фақат Абу Али Ибн Сино яшаб, ижод этган X-XI асрлардаги тиббиёт тарихигина эмас, балки ундан илгариги, илмий ишлари, тажрибаларини езиб қолдириш билан буюк олимга устозлик қилган салафлар, ўзи ва қатор шогирдлари тўғрисида, улар яшаган замон муаммолари, ўзига хос шароитлар ҳақида ҳам тўлақонли маълумот берувчи заллар мавжуд. Шоҳ саройларида хизмат қилган олимлар, табиблар фаолиятдан мукамал даража берувчи манбаъларга ҳам бор. Биргина Исмоил Журжонийнинг кўп жилдли табобат қомуси ҳисобланган "Хоразмшоҳ ҳазинаси" деб номланган машҳур асари анча жойини эгаллаган. Абу Али Ибн Синонинг беш жилддан иборат "Тиб қонунилари" асари ҳамда унда тасвирланган жарроҳлик ва шифокорлик асбоб-аслаҳалари, ўт-ғиёҳлардан мураккаб дорилар тайёрлаш усуллари тўғрисидаги тавсиф-тасвирлар учун ҳам анча ўрин ажратилган. Шунингдек, буюк алломанинг Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларига қилган қатор сафарлари ва унга Ҳамадонда тикланган мақбара қиёфасининг

шакли ҳам музейда жонли акс этган.

Ораста жиҳозланган 24 зал бор. Ҳар бир зал тиббиёт илмининг қайси даврда қандай ривож топгани, Ўзбекистон маркази ва вилоятларида қачон ва қандай касалхона, шифохоналар ташкил бўлгани, ҳозирги кундаги ютуқлар, ихтисослашган диспансерлар, санитария-эпидемиология станциялари, тез ёрдам хизмати, саломатлик марказларининг бунёд бўлишидан ҳикоя қилади.

Кўргазмаларнинг бирида шундай жумла бор: "Республикада 1921 йили битта медицина фанлари доктори бор бўлса, 1986 йилга келиб 308 киши шундай илмий даражага эришди". Бугунги кунда эса уч мингта яқин тиббиёт фанлари номзоди ва тўрт юз эллик фан доктори бор. Шу мисолнинг ўзидан ҳам тиббиёт соҳаси йилдан йилга қай даражада тараққий этаётганини билиш бўлади.

— Музейга келганлар маълумотлар билан мустақил танишишадими ёки улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш хизматини ўтайдиган махсус ходимлар ҳам борми?

— Ўз касбини яхши эгаллаган, юксак ихтисосли ходимларимиз келувчиларни лутфан кутиб олиб, бошқариб юришади. Ҳар бир саволга бажонидил қониқарли жавоб бериши ўзларига муқаддас бурч, деб биладилар. Бундан ташқари музейда махсус кино зал ҳам бўлиб, унда келувчилар учун турли касалликларнинг келиб чиқиш тарихи, даволаш усуллари ҳақидаги фильмлар намойиш этилади. Ўрта Осиёнинг таниқли мутахассислари суратла олган табобат соҳасида ном қозониб, жаҳонга машҳур бўлган олимларнинг ижодий фаолиятлари, даволаш усулларидан ҳикоя қилувчи 30 га яқин фильмлар тасмаси мавжуд.

Музейни ҳар йили олти миш мингдан зиёд ўқувчи, талабалар, ишчи, хизматчилар, уй бекаларигача келиб томоша қилишади. Ҳар йили чет элдан келган мутахассисларнинг 24 га яқини музейимиз меҳмони. Музейнинг мулоҳазалар дафтарида йилига ўнлаб чет эл, юзлаб ўзимизнинг машҳур олимлар, давлат арбоблари, кўпжаб жамоа вакиллари эзган таассуротлари, хайратларини изҳор қилган ёзувларини ўқишимиз



мумкин.

1980 йиллари Америка Қўшма Штатлари президентининг соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот ишлари бўйича ёрдамчиси бўлиб ишлаган Рожер О. Эгеберг музейда кўрганларини изоҳлаб: "Буларнинг ҳаммаси Оловуддиннинг сеҳрли лампаси кўмағида рўёбга чиқарилган ҳақиқатга ўхшайди" дея ёзган эди. "Бу музей эмас, балки тиббиёт оламининг кўзгуси экан" деб баҳолаганлар ҳам бўлган. Шунингдек, Франция, Италия, Олмония, Польша, Булғория, Руминия, Миср, Мали, Непал, Афғонистон, Эрон, Туркиялик табобат илми вакиллари ҳам музей ҳақида фикр билдириб, ўз таъсирларини изҳор этганлар.

"Хокимларнинг бурчи — халқ тақдирини ўйлаш, — дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов, куни-кеча ўз ишини тутатган Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқида, — майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни ҳал этиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш беришдан иборатдир.

Юртбошимизнинг ана шу ўғитларидан руҳланиб соғлом авлод учун гамхўрликни амалга ошириш, Ўзбекистон аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг янги-янги илмий йўлларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида музейимизда алоҳида жиҳозланган ранг-баранг кўргазмалар заллар қизлар учун алоҳида, йигитлар учун алоҳида ташкил қилинди. Умуман, бизнинг тўғрисидаги барча саволларига бирга мустақил республикамизда бу соҳага қанчалик жиддий аҳамият берилаётгани ва унинг истиқболи тўғрисидаги барча саволларига батафсил жавоб топа олади, деган умиддаман.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

М. ҚУРБОНОВ суратга олган.

Урганч шаҳри марказида очилган "Шарқ табобат маркази" шу кунларда гавжум. Бу ерда асосан кимёвий дори-дармонлар билан эмас шарқ табобатчилиги анъаналари усулида тиббий хизмат кўрсатиляпти. Ўтган йили марказнинг мусиқа билан даволаш бўлими ташкил этилди. Шу тариқа аждодларимиз томонидан мусиқа билан даволаш усули қайтадан қўлланила бошланди.

— Инсон ўз ҳаётининг маълум бир давларида мусиқа санъатидан баҳра олишни, яъни куй-қўшиқ тинглаб, хордик чиқаришни, кўнглини кўтаришни одат қилади. Гоҳида буни билиб қилади, гоҳида билмай. Лекин бу инсоннинг маънавий зарурияти, мусиқага эҳти-ежмандлиги туфайли юз беради. — дейди Москва Давлат Университети доценти, халқ табобатчилиги бўйича олим Худоёр Оллоеров.

Тиббиёт фанлари номзоди Х.Оллоеров асли Урганч шаҳридан, Самарқанд медицина институтини битказган. Москва шаҳридаги медицина илмий-тадқиқот институтларидан бирида аспирантурада ўқиб тиббиёт фанлари номзоди илмий унвонини олган. Москва Давлат Университетининг фонатория лабораториясини ташкил этганлардан бири. Фонатория — инсон овози, уни яхшилаш, турли касалликларни даволаш билан шугулланган диган фан.

Х.Оллоеров собиқ СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш кўмитасининг овоз бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Кейинги йилларда у Ўрта Осиё халқ табобатчилиги тарихини чуқур ўрганиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб борапти. Бизнинг суҳбатимиз ҳам халқ табобатчилиги, мусиқа билан даволаш ҳақида.

— Халқимизнинг суякни асари "Ошиқ Гариб ва Шоҳсанам" дostonида шундай манзара бор: Шоҳсанамнинг отаси Гарибни Ватанидан йироққа сургун қилдиради. Бечора она ўғлини

## МУСИҚА ҲАМ ДАВОЛАЙДИ

кута-кута кўзи ожизланиб сочлари оқарган, одам танимас ҳолга келиб қолган, ўғлини кўришдан умиди узилган бир пайтда Гариб келиб дуторда қўшиқ ижро қилади. Бу қўшиқ онани ҳаётга қайтарди, ўғлини дарҳол танийди. Мусиқанинг шунчалик шифобахшлиги, ҳаётбахшлиги ҳақида бошқа мисоллар ҳам бор. Унинг сирини нимада?

— Инсонлар ҳаёти табиат ва коинотдаги ўзгаришларга боғлиқ эканлиги аллақачон исботланган. Бизнинг ҳаётимиз Ой ва Қуёш ҳаракатларига қараб ўзгаради. Кузатишларга қараганда, Ойнинг охири ва бошида айрим касалликлар хуружи кучаяди, ўлим ҳолатлари кўпаяди, инсон ҳаётида бошқа салбий ходисалар ҳам кўпроқ учрайди.

Мусиқа ҳам табиат билан бевосита боғлиқдир. Юнон, шарқ олимлари мусиқанинг пайдо бўлишини осмондаги юдузлар ҳаракати билан, еттига товушни Қуёш, Ой, Ер, Зуҳал, Аторуд, Миррих, Муштарий орасидаги масофа ва уларнинг ўзаро муносабатлари натижаси

қийинчиликларни енганлиги маълум. Фолбинлар ҳар хил дуо куйлари ердамида касаллик тарқатувчи дев ва жинларга қарши курашганлар.

XVIII асргача Хоразмда тиббий мусиқа намуналари бўлган. Хоразмлик шоир, тарихчи, табиб Юсуф Баеный танбурда куй ижро қилиб беморларни даволаган.

Умуман, ўрта асрларда мусиқавий табобат мусулмон дунёсида ўз мавқеини сақлаб қолган. Форобий, Рўдакий, Абу Али ибн Сино, Ал-Киндий, Кайқовус, Шайх Саъдий, Мавлоно Бухорий, Сафиуддин Урмавий, Жалолддин Румий, Алишер Навоий, Бобур, Жомий, Маҳтумқули сингари аллома шоирлар ўз асарларида мусиқавий табобат ҳақида куйлаганлар, унинг ривожланишига ҳисса қўшганлар.

Шу ўринда битта мисол келтирай: Бағдод ҳалифаси Ал-Хоразмийдан сўрайди: "Сизнинг элигизда инсонларни даволашнинг қайси турига (тиг билан, дори билан, сўз билан

даволаш) кўпроқ эътибор берилади?"

"Бизда даволашнинг тўртинчи усулига, яъни мусиқа билан даволашга эътибор катта. Чунки доно табиб кўлида бу усул энг самарали ва беморларга безарардир", деб жавоб беради Ал-Хоразмий.

Алишер Навоийнинг замондоши ва дўсти шоир ва мусиқашунос Жомийнинг "Мусиқа рисоласи" да 12 мақомнинг тингловчиларга таъсири қуйидагича шарҳланган: Ушшоқ, наво — инсонга куч ва гайрат беради, рост, ироқ, исфаҳон-хурсандчилик ва яхши кайфият ато этади.

Замонавий тиббиёт ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида, поллиз ва сабзавот ўстиришида, ишчиларнинг иш унумдорлигини оширишида, соғлиқни мустаҳкамлашда, хоргинликни чиқаришда мусиқа таъсирдан фойдалана бошлади. Мусиқа билан даволашни кенгайтириш замон талабидир. Зеро бундай безарар усул арзон ҳам қулайдир. Лекин бу табирни махсус тайёрларлик кўрган шифокор олиб боргани маъқул. Чунки беморнинг миллатига, касалига қараб мусиқа танланади, даволаш сеанси белгиланади.

Инсон мусиқа билан яшайди. Энг разил, дағал одамлар ҳам мусиқани еқтирадилар. Демак, инсон мусиқасиз яшай олмайди. Демокриманки, чарчаганда, беморлашганда мусиқанинг шифобахш қувватидан фойдаланинг. Маромида эшитилган куй ва қўшиқ ҳордигингизни чиқаради, соғлиқингизни мустаҳкамлайди. Ватандошларимиз ана шу имкониятдан фойдалансалар айни муддао бўларди.

Суҳбатдош: Шайхназар АҲМЕДОВ, "Ишонч" мухбири.

## Шарқ табобати

**ЭРАТАГА** Андижон шаҳрида республикамиз қишлоқ спортчилари байрам маросимининг тантанали очилиши бўлади. Шу муносабат билан муҳбиримиз "Ўзбекистон" физкультура ва спорт кўнгилли жамияти касба уюшмалари марказий қўмитаси раиси В. Ф. Бойко билан учрашиб, қуйидаги мазмунда сўхбат қилди:



— Владимир Федорович, қишлоқ спортчилари ўртасида бунчалик катта миқёсдаги мусобақа ўйинлари республикамизда биринчи бор ўтказилмоқда, шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, шундай. Республикада биринчи бор ўтказилаётган мазкур маросимнинг финал мусобақалари ҳам Андижон вилояти спорт майдонларида ниҳоясига етказилди. Ҳар бир вилоят бу байрамга аввалроқдан пухта тайёргарлик кўрган эди. Уйин мусобақалари қатнашчилари ўртасида жиддий танлов ўтказилиб, энг яхшилари ичидан 49 нафардан спортчи тавсия этилди. Мусобақаларда 500 га яқин спортчи қатнашишига аминимиз.

— Мусобақалар спортнинг қайси турлари бўйича олиб борилди?

— Фарғона ва Бухоро қоидалари асосида миллий кураш бўйича ўзаро куч синашдилар. Шунингдек, футбол, волейбол, стол тенниси ва шашка бўйича ҳам беллашувлар қилинди. Мусобақа дастурида "Отам, онам ва мен" — спортчилар оиласимиз" деган оилавий командалар ўртасида ҳам ўйинлар бўлиши мўрабб. Бундан ташқари командалар аро арқон тортиш машқи ҳам томошабинларда катта қизиқиш

уйғотади, деган умиддаман. — Мазкур мусобақаларни ўтказиш фояси қандай туғилақолди?

— Қишлоқ спортчилари ўртасида шундай кенг миқёсда мусобақалар ўтказишнинг асли ташаббускори Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашидир. Кенгаш эртанги байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича махсус қарор

уйюшмалари бирлашмаси, шунингдек бошқа қатор ташкилотларнинг ҳам ғайратшижоатлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Мусобақа ғолиблари ва меҳмонлар учун совға-салом, эсдалик тухфалари тайёрлаш вазифаси ҳар бир туман раҳбариятига алоҳида-алоҳида топширилган эди.

— Мазкур ўйинлар қандай шюор остида ўтказилди?

## ҚИШЛОҚДА СПОРТ БАЙРАМИ

қабул қилган ва Кенгаш раисининг ўринбосари М. М. Тўлаганова раҳбарлигида ташкилий қўмита ҳам тузилган эди. Ташкилий қўмита бир неча ой мобайнида жойларга бориб, вилоят ва туманлардаги тайёргарлик қандай бораётганлиги билан жиддий қизиқди ва доимий назорат олиб борди. Шунингдек, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги раҳбарлари, вазирликлар, алоҳида ташкилотлар, агросаноат жамоалари ҳам бу тайёргарликка ўз ҳиссаларини қўшдилар. Айниқса, Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят касба

— Республика қишлоқ спортчилари мусобақалари "Соғлом авлод учун" рамзи остида ўтказилди. Шунингдек таъкидлаб ўтиш керакки, Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг фармонида мувофиқ "Соғлом авлод учун" нишонининг жорий этилиши юртимизнинг эртанги кун авлодларига бўлган ғамхўрликнинг чин маънодаги далолатидир. Ҳа, мувақил ватанимиз учун кучли, бақувват, элчил ва чаққон ёшлар жуда-жуда зарур. Республика касба уюшмалари ходимлари ёшларни физкультура ва спорт билан шўғулланиш, айниқса,

қишлоқ жойлардаги ёш авлоднинг спорт мусобақалари ва турли ўйинларда фаол иштирокини уюштиришга жалб этиши Президентимиз фармонида хурмат ва эҳтиром билан қарашдир, деб ҳисоблайман.

— Спорт байрамнинг маданий дастури билан ҳам қисқача таништирсангиз.

— Авваломбор, Андижон туманининг марказий ўйингоҳида барча мусобақа қатнашчиларининг тантанали байрам намойишлари бўлади. Тантанавор мусиқа садолари остида вилоятлар вакиллари яшил майдон узра таралиб, жой-жойларини эгаллайдилар. Шундан кейин ўйингоҳ тепасидан парашютчилар гуруҳи учиб тушиб, махсус тайёрланган машқларини кўрсатишади. Кўп ўтмай уларнинг ўрнини "Ватанпарвар" спорт жамиятининг вакиллари эгаллайдилар. Шундан кейин бирин-кетин машҳур курашчи ветеранлар, тош кўтарувчилар, гимнастикачилар гиламга чиқишади. Чавандозлар от устида турли ўйинлар кўрсатиб қобилиятларини намойиш қиладилар.

**Спорт байрамга марҳамат!**  
Сўхбатдош: А. СИЛЕЕНКОВ  
"Ишонч" мухбири.



## БАХТНИНГ ТИРИК ТИМСОЛИ

• ЛАОС давлат ҳайвонот боғидаги альбинос-филни бу ерга келган томошабинлар кўришга ошиқадилар. Бундай филлар "Филлар мамлақати" деб аталган Лаоснинг ўзида ҳам жуда камдан-кам учрайди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра бу хилдаги жониворлар 60 йилда битта туғилиши мумкин экан. Қадим замонлардан оқ филларни бу ерда кучлилиқ, оқиллик ва бахт тимсоли сифатида эъзозлаб келишган. Шу туфайли ҳозир ҳам уларни эҳтиётлаб сақлашади.

## ХИЗМАТКОРДАН ҲАМ АЪЛО

• НИГЕРИЯНИНГ Гротфантейн шаҳрида яшовчи Роберт Отто Магермюллернинг ажойиб хизматкори бор. Бу лақаби Бой бўлган саккиз яшар горилладир. Бой икки ёшидан бошлаб жинси шим ва кўйлак кияди, лекин оёқ кийим кийишни ҳеч ёқтирмайди. Бу маймун тушлик ва кечки овқат учун стол тузатади, чангютгич билан уйларни осонгина тозалаб чиқади ва керагида мебелларни у ёқ билан бу ёққа суришга кўмаклашади. Унинг иш вақти уч соатдан ошмайди. Мабоодо чарчаб қолса асабийлашиб сўзга кирмайдиган бўлиб қолади.

## КАЙФ ҚИЛДИРУВЧИ ХЎРАК

МАДРИДДАГИ ВИНО ДЎКОНИ ЭГАСИ Педро Гарсоласани сичқонлар жуда қийнаб юборишди. Улар вино сақланаётган бочкаларни тешиб қўйишар, мижозларни эса қўрқитишарди. Ниҳоят Педро бу кемирувчилардан қутилиш йўлини топди. Бино ертўласидаги винолар сақланадиган жойга идиш қўйиб, ширин шерри виноси қўйган. Идишга эса кичик нарвонча тираб қўйган. Эрталаб Педро ер билан битта бўлиб "учиб" ётган сичқонларни йигиб олган.

## СУВ ОСТИДА...

30 ЁШЛИ Сальвадор Фораджо ва 29 ёшли Антонелла Мериго никоҳ ўқитиш учун ажойиб жойни танладилар. Сув остида сузишга ишқибоз бўлган бу келин-куёвлар никоҳни ҳам сув остида ўқитишга қарор қилишган. Тантанали бу маросим Ломбордия вилоятидаги Гарда қўли остида, 30 метр чуқурликда амалга оширилган. Келин-куёвларга никоҳни сув остида сузишга ишқибоз бўлган руҳоний ўқиган.

## Иккинчи босқич беллашувлари

Сурхондарё вилояти савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамиятлари ходимлари касба уюшмалари қўмитаси тармоқда физкультура ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Қўмита раҳбарлари ташаббуси билан, вилоят ва туманларда спортчи савдо ходимлари спартакиадасининг биринчи босқичи ўтказилган эди. Яқинда вилоят маркази Термиз шаҳрида спартакиада иккинчи босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

Спартакиада қатнашчилари спортнинг шахмат, шашка, волейбол, кичик футбол турлари бўйича куч синашдилар. Умумкомандаларо мусобақаларда биринчи ўринни Денов туман матлубот жамиятлари, иккинчи ўринни Денов шаҳар савдо ходимлари, учинчи ўринни Термиз туман хиссадорлик савдо жамияти командаси эгаллади. Ғолиб командалар вилоят матлубот жамияти бошқаруви ва савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамиятлари касба уюшмалари вилоят қўмитасининг пул совринлари ва дипломлари билан тақдирландилар.

"Ишонч" мухбири.

Деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят қўмитаси ташаббуси билан Қарши қишлоқ хўжалик коллежида вилоятнинг 70 йиллик тўйи олдидан умумўзбек қишлоқ спортчи мусобақалари ўтказилди. Бу мусобақаларда вилоятдаги жамоа ва жамоа-ширкат хўжаликлари, "Қаршиқурилиш" ва "Қаршиндустрия"

бирлашмалари спортчилари иштирок эттишди. Беллашувлари деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси Э. Сувонов кириш сўзи билан очди. Касба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг муовини С. Бекназаров спортчиларни вилоят кенгаши номидан табриқлади.

Қишлоқ спортчилари шахмат-шашка, миллий кураш, кичик футбол, волейбол (эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида), стол тенниси бўйича ўзаро куч синашдилар.

## ТҮЙ ОЛДИДАН

Қизғин ўтган мусобақаларда Нишон тумани вакиллари шахмат бўйича ғолиб бўлишди. Хотин-қизлар ўртасидаги волейбол мусобақаларида Қарши қишлоқ хўжалик коллежи талабалари, эркаклар ўртасида эса Қамаш тумани вакиллари пешқадамлик қилишди. Миллий кураш мусобақаларида II та ғолиблик ўрнининг 9 таси чироқчилик полвонларга насиб этди. Жумладан, 55 килограммгача бўлган вазнда Комил Хуррамов, 100 килограммгача бўлган вазнда Раҳим Бўриев, 100 килограммдан зиёд вазнда эса Маҳмуд Тошев биринчи ўринни олишди.

Мусобақа ғолибларига деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

М. КЕНГЪОЕВ  
"Ишонч" мухбири.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

### "Ишонч" мухбирлари хабар қиладилар:

ХОРАЗМ вилояти касба уюшмалари кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан В.А.Сармин вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари вазифасидан озод қилинди.

Вилоят ҳокимлигида катта референт вазифасида ишлаб келган Отаҳон Исмоилов вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари қилиб сайланди.

Мажлисида вилоят касба уюшмаларининг навбатдаги 20-уюшмаларо конференциясини чақириш 1994 йил 16 декабрга белгиланди. Конференцияга делегатлар сайлаш меъери тасдиқланди.

Касба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Қ.Сафоев нутқ сўзлади. Мажлис кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

\*\*\*

МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, интизомни мустаҳкамлаш, дам олиш шароитларини яхшилаш ва аҳолининг кенг қатламини соғломлаштириш каби вазифалар вилоят касба уюшмаларидан катта куч ва ғайрат сарфлашни тақозо этмоқда. Андижон вилояти касба уюшмалари бирлашмасининг навбатдаги мажлисида шу масалалар атрофида муҳокама қилинди. Мажлисида ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокимлигида бўлим мудир бўлиб ишлаган

Козимжон Турдиалиев вилоят касба уюшмалари бирлашмаси раиси ўринбосари этиб сайланди.

Мажлисида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Машариф Юсупов қатнашди ва нутқ сўзлади.

\*\*\*

ЎЗБЕКИСТОН ўрмон тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси ўрмон давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш конструктивлари ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармаси ҳамда "Ўзбекмебель" давлат акционер бирлашмаси билан Марказқўм ўртасида 1993 йил учун тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тузилган битимларнинг бажарилиш яқунлари ҳамда 1994-1995 йиллар учун тузилган янги битимларнинг

ижросини таъминлаш масаласи кўрилди.

Республикамиздаги ўрмон, ёғочсозлик ва мебель ишлаб чиқариш соҳасидаги учта йирик идора билан тузилган янги битимларда ифода этилган вазифалар масъулиятлидир. Уларни рўёбга чиқаришда тармоқ корхона ва хўжаликлари билан касба уюшмалари изчил тадбирлар кўришлари талаб қилинади.

Раёсат мажлисида тармоқ касба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш, Марказий Қўмитанинг навбатдаги мажлисини чақириш, ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиш каби бир қанча масалалар қараб чиқилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлиси республика ўрмон тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси П.Н.Нурмирзаев бошқарди.

МАЙ

16 ДУШАНБА

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Усмилар учун. "Гўзаллик гулшани". 18.40 "Бахтли онлар". Телефильм. 18.55 "Ислоҳот ва масъулият". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Шеърин дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Огаҳий номидаги Хоразм вилояти театри артистлари ака-ука Эшжоновлар куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Аёл борки, олам мунаввар". Матрифий кўрсатуви. 22.30 "Сирли соз соҳиби". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улмас Расулов. 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Биллиб қўйган яхши". 20.10 "Йўлингиз бехатар бўлсин!". 21.10 "Оддий мўъжизалар". Фильм-концерт. 21.55 "Юзма-юз". Бадий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00 — 18.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
18.30 Душанба кўни детектив. "Спрут-5". Бадий фильм (Италия). 1-серия. 19.25 Телефильм. 19.50 "Спрут-5". Бадий фильмнинг давоми. 20.55 "Ҳақиқат онлари". 21.50 "Сиз яратган боғ". 22.20 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Сехрли гўзаллик сирлари". Телефильм. 22.55 "Тафсилотлар". 23.05 "Юлдузлар билан суҳбатда". 23.10 — 23.40 "Джаз-клуб".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал премьераси. 26-серия. 18.40 "Миниатюра". 18.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Монолог". 20.40 "Сизга таъзим, остоналар". А. Петренко ва В. Жданкин. 21.25 "Спорт уик-энди". 21.40 "Матбуот-клуб". 23.00 — 23.35 Янгилар.

17 СЕШАНБА

ЎзТВ I
6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 "Пилгрим" капитани". Бадий фильм. 10.00 "Ешлик" студияси. "Еш тadbиркорлар". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 "Фермер хўжаликлари истиқболи". 11.30 Теннис бўйича "Буюк Ипак йўли" халқаро турнири. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Шижоат". 18.40 Мусиқий дақиқалар. 18.55 "Таълим ва ислоҳот". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Мусавир". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Кўшиқларда севги ваффи". Лирик концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Илҳом" телевизион клуби. 22.20 "Марду майдон". Андижон вилоятдан кўрсатуви. 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Улоқ". Телефильм. 20.00 "Имтиҳон арафасида". Бевосита мулоқот. 21.00 "Гул ва олқинлар".
"ОМАД" таништиради:
22.10 Эълонлар. "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Совға". 9.30 "Ҳар соҳадан бир шингил". 9.35 Эълонлар. 9.40 Видео "О". 11.20 Эълонлар. 11.25 "Курьер". 11.40 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар. 12.00 "Ҳар соҳадан бир шингил". 12.15 Эълонлар. 12.20 "Даракчи". 12.30 "4/8". Мусиқий кўрсатуви. 12.50 Эълонлар. 13.00 Видео "О".

18.00 — 19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.50 "Винил чангалзорлари". 20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 318-серия. 21.10 Спорт кўрсатуви. 21.20 "Формула-1". Автопога бўйича жаҳон чемпионати. "Монако Гран-приси". Монте-Карлодан кўрсатилди. 22.20 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.30 "Қалдирғочлар баҳорда учиб келадилар". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". 17.50 "Ихтилоф". Кўп

серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 18.45 "Илк манбадан". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Бомонд". 20.45 Ғалабанинг 50 йиллигига. Тирикларни чорлайман... "Отряд". Бадий фильм (Литва киностудияси). Кўрсатуви Г. Шергова олиб боради. 22.40 "Матбуот-экспресс". 23.00 Янгилар. 23.35 — 00.20 1994 йил кўшиқлари.

18 ЧОРШАНБА

ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ
ЎзТВ I
6.30 — 8.45 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.45 "Сиевуш ҳақида қисса". Бадий фильм. 1-серия. 10.10 "Фасли ёз". Телефильм. 10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. 11.00 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати. 11.40 Лотин алифбоси. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Солиқ инспекцияси фаолиятдан". 18.40 "Санъат олами". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Умрбоқий ва ҳаммиша навқирон". "Ўзбектелефильм". Премьера. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Ислоҳотнинг ҳуқуқий асослари". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Оила". 22.15 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "Анор" телевизион танлови. 23.15 "Ўзбекистон" ахбороти. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Спринт". 20.10 "Шаҳар юмушлари". 21.10 "Ғалати аёл". Бадий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
18.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 319-серия. 19.00 "Дабдурустан ёки Газета воқеалари".

19.55 — 21.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
21.55 "Тафсилотлар". 22.05 Катталар учун мультфильм. 22.25 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Санкт-Петербург мусиқаси". Н. А. Римский-Корсаков номидаги халқаро танлов. 23.40 — 00.10 "Сарик сувости кемаси" клуби.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". 18.00 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 18.55 "Янги кишилар". "АвтоВАЗ" ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори В. Каданников. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 Россия музейларининг Париж баҳори. 20.50 "Театр масуми". Телевизион бадий фильм. 22.00 Янгилар. 22.35 — 23.05 "Академия".

19 ПАЙШАНБА

ЎзТВ I
6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 "Сиевуш ҳақида қисса". Бадий фильм. 2-серия. 10.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.20 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғирочқа". 10.55 "Алифбо сабоқлари". 11.25 "Ешлик" студияси. "Истиқбол эгалари". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Футбол майдонларида". 18.35 "Сиҳат-саломатлик". 19.05 "Ишбилармон". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Кашф этилаётган имкониятлар". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Бир жуфт кўшиқ". Мусиқий кўрсатуви. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Бевосита мулоқот. 22.30 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Ўтмишга назар". Кинокўрсатуви. 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Табассум ила". Фильм-концерт. 20.30 "Тошкент оқшомлари".
"ОМАД" таништиради:
21.30 Эълонлар. "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 320-серия. 20.40 "Ҳеч ким унутилмайд". 20.45 "Вилоятдан мактублар". 21.15 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 21.45 "Ностальжи" — барча авлодлар

мусиқаси". 22.15 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.30 "Парама". Бадий фильм. 1-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". 17.55 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия. 18.55 "Эҳтиёткор кишининг иқрори". Евгений Габрилович ўзи ва давр ҳақида. 3-қисм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Останкино" телеканалида биринчи марта. "Бечора бой". Бадий фильм (Италия). 22.10 "Матбуот-экспресс". 22.20 Юмор антологияси. 23.00 — 23.35 Янгилар.

20 ЖУМА

ЎзТВ I
6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 "Суюнчи". Бадий фильм. 9.45 "Дарахт ва унинг новдалари". Телефильм. 10.15 "Халқ миллий ўйинлари". Спорт кўрсатуви. 10.45 "Ҳофизлар хониш этганда". Мусиқий кўрсатуви. 11.35 Болалар учун фильм. "Саёҳатлар эртаги". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Шукрона". 18.45 Мушоира. "Мен сизни кўмсайман". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Анъаналар этади давом". Мусиқий кўрсатуви. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Навойихонлик". 22.20 "Ўзбекистон" ахбороти. 22.45 Футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон — Қирғизистон терма командалари. 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Кинотрида". 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 "Маҳаллада дув-дув гап". Бадий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.50 Киномарафон. "Севги — бу қувонч, сеvgи — бу қайғу". Бадий фильм (Франция). 21.40 "Амика веритас". Юристлар телетанлови.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.30 "Парама". Бадий фильм. 2-серия.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". 17.40 "Инсон ва қонун". 18.15 "Европа билан мулоқот". Рухн премьераси. Кўрсатуви Д. Киселев олиб боради. 18.45 "Мўъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Ҳаж". Маккага зиёрат. 21.00 "Ҳафтанинг машҳур кишиси". 21.20 "Детективлар клуби"да. "Ден Огаст". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-фильм. 22.20 "Матбуот-экспресс". 22.30 "Авто-шоу". 22.45 "Х" программаси. 23.00 — 23.35 Янгилар.

21 ШАНБА

ЎзТВ I
6.30 — 8.45 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.45 "Шум бола". Бадий фильм. 10.15 "Умр зийнати". 10.45 Болалар учун. "Мусиқа меннинг қалбим". 11.15 Юнон — Рим кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати. 11.55 Усмилар учун. "Уйла! Изаал Топ!". 13.10 "Баҳодир Ражабов куйлайди". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Эртақлар ахшиликка етаклар". 18.40 Кинолава. 18.45 "Ешлик" студияси. "Ийгитлар". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Чуст жилолари". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Қўшиқ ва кулги кечаси". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Хайдаров ва қизиқчи Мирза Холмедовлар. 22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Қалдирғоч". Фильм-концерт. 20.20 Болалар учун. "Табассум". 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 "Қўриқхона тепалиғида". Бадий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

13.15 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
13.15 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.25 Жаҳон ва биз. "Эртақка йўл". Бирлашган Араб Амирликларидан кўрсатуви. 14.05 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида). 14.20 "Истеъдод". Дамир Рўзиев. 14.55 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида). 15.10 "Кашфиётлар оламида". 15.45 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.20 Телеэкранда — премьераси. "Алданган эр". Бадий фильм. 20.50 "Шаҳарча". Дам олиш кўрсатуви. 21.15 "Мутлақо мафий". 22.05 Концерт. 22.20 Спорт кўрсатуви. 22.25 "Мерос". Телефильм. 22.50 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.55 — 23.30 "Маскишоу".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 "Бир боқишда муҳаббат". 17.55 "Рухн премьераси". 18.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Сенга маъқул бўлган жой". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Сенга маъқул бўлган жой". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 21.25 Буржлар туркумидан кўрсатуви. 22.40 "Матбуот-экспресс". 23.00 — 23.35 Янгилар.

22 ЯКШАНБА

ЎзТВ I
6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 67—68-сериялар. 10.00 "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 "Сирли сандиқ". Телеўйин. 11.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Кўларим йўлингизда". Бадий фильм. 12.55 "Ёшлар ва замон". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Дайди тўттининг қайтиши". Мультфильм. 18.10 "Ғазалхон ёшлигим". 18.45 "Юрт ҳақида кўшиқ". Бадий-публицистик кўрсатуви. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ҳафтаном" (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 Бекназар Дўстмуродов куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ҳафтаном". 21.30 Эълонлар. 21.35 "Ойнаи жаҳонда...". 21.55 "Оталар бўйи — ақлнинг кўзи". 23.15 Футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон — Қозғистон терма командалари. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
17.00 "Рок" ҳақида. 17.30 "Ҳар соҳадан бир шингил". 17.40 "Совға". 18.10 Эълонлар. 18.20 Видео — "О". 20.00 Эълонлар. 20.05 "Курьер". 20.20 "Ҳар соҳадан бир шингил". 20.40 Эълонлар. 20.45 "4/8". Мусиқий кўрсатуви. 21.15 "Даракчи". 21.25 Эълонлар. 21.35 Видео — "О".
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

12.00 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
12.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.20 Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. "Словакия". 13.00 "Рангинкамон" (тожик тилида). 13.30 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида). 13.45 "Немислар ҳаётининг". 14.20 "Жаҳон спорти". 14.30 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида). 14.45 "Чинсен" (корейс тилида). 15.15 "Дурдашен" (Ҳиндистон) телекомпаниясининг кўрсатуви. 15.45 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.25 "Қюша хузурида". 19.55 "Си-Би-Эс" кинотеатри. "Далил". Бадий фильм. 21.45 "Чайка" парвоз этади! "Таганка"даги актёрлар ҳамкорлиқда яратган спектаклда.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.30 "Энди кетса кетаверсин". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 "Нима? Қаерда? Қачон?" 19.00 "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали Жан-Поль Бельмондон "Профессионал" бадий фильмда таништиради (Франция). 21.00 "Якшаба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.50 — 23.45 Футбол. Россия кубоги. Финал. "Спартак" (Москва) — МАСК. "Лужники" катта спорт майдонидан олиб кўрсатилди. Танаффус пайтида (22.40) — Янгилар.

["Тошкентдан гапирмиз ва кўрсатамиз" дастуридан].



• ВАРШАВАДА Польша Ички ишлар вазирлигининг собиқ ходими устидан ҳарбий суд бошланди. Унга жосуслик ҳақидаги айбнома қўйилган. Польша телевидениясининг хабар беришига қўра, айбланувчи Россия ҳарбий атташесига зарур ҳужжатни бераётганда қўлга олинган. У 1981 йилдан бери Москвани мафий ҳужжатлар билан таъминлаб келаётганлигини бўйнига олган эмиш.

• ЎТКАЗИЛГАН навбатдаги тадбир натижасида Оттавада миллик, граната ва бошқа қуроллар бир мунча камаяган. Шаҳар аҳолиси ўтказиладиган бейсбол матчиға 1200 та билет олиш учун ўзларидаги 300 дан ортиқ ўт очиш қуролларини тартиб посбонларига топширган. Бу тадбир Оттавадаги бейсбол клуби радиостанцияси томонидан амалга оширилган.

• НЕМИС касаба уюшмалари Бирлашмасининг раиси касаба уюшмаси ҳаракати ветеранларидан бири Хайнц — Вернер Майор юрак хуружи туфайли 61 ёшида вафот этди. У бу лавозимға 1990 йил май ойида ўтирган эди.

• САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ва Ленинград вилояти ўт ўчирувчилари вилоятдаги "Ниже — Свирский леспромхоз" Акционерлик жамияти худудидаги ёнгинни ўн уч соатда зўрга ўчириб ул-гирдилар. Йилнинг энг катта ёнгинларидан бири бўлган бу ҳалокатда тахта тилиш цехи ва уч гектар ердаги ёғоч маҳсулотлари ениб кетди. Ёнгин туфайли қўрилган зарар 50 миллион рублни ташкил қилади.

• ИТАЛИЯДА транспорт ходимларининг умуммиллий иш ташлашлари бошланди. Транспортчилар нарх-навонинг ўсишини, меҳнат шароитларини яхшилашни ҳисобға олган ҳолда жамоа меҳнат шартномаларини қайта тузишни талаб қилмоқдалар.

• ТОЖИКИСТОН Республикаси Олий Кенгаши Раёсати буюк олим, файласуф ва шифокор Абу Али ибн Сино тугилган кун — 18 августни Шифокорлар байрами сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек, 15 май республикада Халқаро Оила кўни этиб белгиланди.

• АМЕРИКА Қўшма Штатларининг Аризона штатидаги миллий богда ёнгин чиқди. Олов юк машинасининг моторидан чиққан аланга туфайли тарқалди. Натижада 600 гектар ердаги дов-дарахт батамом куйиб битди.

• ЖАНУБИЙ Африка Республикасининг янги сайланган Президенти Нильсон Мандела сешанба кўни давлат бошлиғи сифатида қасамёд қилди.



## Ёш ижрочилар шарафланган оқшом



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшларнинг ижрочилик маҳоратларини оширишга қўшган ҳиссалари ва ўз санъатларини намойиш қилиш билан эл олқишига сазовор бўлган Наманган вилояти, Косонсой тумани шойи тўқиш фабрикасининг "Сугдиёна" ашула ва рақс ансамбли, Тошкент шаҳар касба уюшмалари кенгаши маданият марказининг "Тош-Кент" профессионал эстрада дастаси, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий кучлари хизмат кўрсатган ашула ва рақс ансамбли ҳузурдаги "Юлдузлар" гуруҳининг яккагон ижрочиси Алишер Ҳолиқов, Фарғона ип-тазлама бирлашмаси тўқимачилар маданият саройи жамоаси, Хоразм вилояти Гурлан тумани маданият уйининг "Аму-Ганг" фольклор-этнографик ашула ва рақс ансамбли ана шу юксак мукофотни олишга сазовор бўлдилар. Шунингдек, уларга ҳар бир тармоқ Марказий Кўмиталари, вилоят ва шаҳар касба уюшмалари кенгаши раҳбарлари қимматбаҳо совғалар тақдим этишди. Худди шундай совғалар муסיкий маҳорат, қўшиқ ва рақс санъати сирларини мукамал эгаллашга ўзларини астойдил даъват этган ва кўпдан халқ меҳрини қозонган қатор ҳаваскорлик, профессионал гуруҳлар ҳамда ансамблларга ҳам топширилди.

Игна ташласанг ерга тушмайдиган даражада санъат мухлислари билан тирбанд улкан ва кўркам зал қалбан барча мукофот олганларни шарафлади.

Мазкур расмий маросимдан сўнг Ўзбекистон санъат усталари, таникли гуруҳ ва ансамбллар ижросида катта концерт намойиш этилди.

"Ишонч"нинг махсус мухбирлари.

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.

А. МАМАДАМИНОВ ва Д. АҲМАД олган суратлар.

Ҳушовоз хонандалар кўшиқларида ҳаёт гўзаллиги, яхшилик, муҳаббат, улғулик каби инсоний фазилатлар тушунчаси яхлит мазмун касб этади. Ана шундай маънавий баркамоллик бахш этувчи кўшиқ ва рақсларни маҳорат билан ижро этиб, халқ олқишига сазовор бўлаётган "Аму-Ганг" ашула ва рақс ансамбли 1987 йили Хоразм вилояти, Гурлан тумани маданият уйи қошида ташкил топган эди. Унинг фаол ташаббускорларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Матёқубова ҳамон раҳбарлик қилиб келади. Мухбиримиз у билан қуйидагича суҳбат қурди:

— Гавҳар опа, ансамблининг ташкил топшиш сабаблари ҳақида гапириб берсангиз.

— "Аму-Ганг" — фольклор-этнографик халқ ашула ва рақс ансамбли деб аталади. Унинг бунёда келишига Ўзбекистонда ҳинд ва ўзбек халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш муносабати билан Ҳиндистон маданияти кунлари ўтказилиши сабаб бўлган эди. Ушанда 8 нафаргина киздан иборат жамоамиз билганча ҳинд рақсларини ижро этиш билан азиз меҳмонларнинг олқишини олади. Шунда биз янги бир даста тўзаск бўлар экан, деган фикрга келдик. Дастанинг номини "Аму-Ганг" деб аташга қарор қилдик. Чунки дарёлар — ҳаёт рамзи. Бунинг устига Аму ҳам, Ганг дарёси ҳам битта тоғдан бош олиб оқади, ўз йўлида икки катта мамлакатни жонига аро кириб, икки юртин обод қилади.

Албатта ўзга халқ рақсларини ижро этишнинг ўзи бўлмайди. Унинг учун алоҳида маҳорат, уқув керак. Шунингдек, ўша халқнинг ўрф-одатлари, маданиятини билиш зарур. Ташқи қиёфа, юриш-туришлари билан мукамал танишиш лозим. Бизлар ҳам худди шундай қилдик. Ташкилий даврларда Гурлан тумани муסיқа мактаби ўқитувчилари ёрдам берилди. "Наврўз", "Гулдаста" каби гуруҳлар қатнашчилари ниндан қобилиятли ашулачи ва кизларни танлаб олдик. Вилоят бўйича ҳинд рақслари ва кўшиқларидан озми-кўпми хабардор ёшлар ўртасида танлов уюштирдик. Ниҳоят сафимиз кенгайиб, 23 нафарга етдик.

— Ансамблининг томоша кўрсатиши учун махсус зал ҳам борми?

— Залдан камчил жойимиз йўқ. Бу борада айниқса туманимиз маданият ишлари бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

## "АМУ-ГАНГ" АНСАМБЛИ



артист Озод Жонибековнинг гамхўрлиги хурматга сазовор бўлди. У киши ҳақиқий санъат шайдоси экан. Ўз ҳисобидан бизларга ҳиндча кийимлар ҳам тиктириб берган. Зарур пайтлари шахсий машинасида икхтеримизга топшириб қўйган эди. Бунинг устига ҳар кун келиб, машғулотиимизни кўздан кечирар, нимагаки муҳтожлигимизни сезса, дарров бажо келтиришга уринарди. Бирортанимиз бетоб бўлиб қолсак, тез-тез хабар олиб, тузалишимиз учун елиб-югурарди. Ана шундай юрагинда ўт бор санъат раҳнамоси бўлмаганда бизнинг бугунги ансамблимиз ҳам бўлмас эди.

— Ансамблининг кўзга кўринган, элининг меҳр-эътиборини қозонган аъзолари кўими?

— Нуриддин Матёқубов, Роза Бобоҷоновалар

меъерига етказиб ижро этиш билан аллақачонлар халқ оғзига тушиб қолишган. Улар билан бутун юртимизни кезиб чиқдик. Москва, Чита шаҳарларида бўлдик. Тошкент циркида 1989 йили 5 кун концерт берган бўлсак, 5 кунгача зал тўлиб-тошиб турди. Юрда номдор санъат усталари концертлари намойиш этилганда ҳар вақт ҳам шундай зал тўлиб-тўлмаган пайтлар кўп бўлади. Биз ҳаваскорлар концерт қўядиган бўлсак, чипта топширини иложи ҳам бўлмай қолади баъзан. Тожикистон, Туркманистон, Қозғистон юртларида ҳам худди шундай ҳолини бошдан кечирдик.

— Ансамблининг янада раванқ топиши учун шарт-шароитлар старлими?

— Албатта ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида

ҳамма жойдагидек бизда ҳам етишмовчиликлар йўқ эмас. Ҳиндча кийим-кечак, тақинчоқлар, безаклар сотиб олишнинг ўзи бўлмайди.

— Ҳомийларнинг йўқми?

— Ҳомийлик қиладиган ташкилот раҳбарлари санъатни севадиган бўлиши керак. Ҳозир Хоразмда нима кўп — акционерлик жамиятлари, биржалар, тижорат фирмалари. Бироқ, улар бизга эътибор беришмайди. Андижонда "Сумалак" халқ ансамбли тақчиллик туфайли тарқаб кетишига оз қолганда, янги бир тижорат уюшмаси уни Ҳомийликка олган эди. Шундан бери ансамбль ўзини тиклаб, фаолиятини давом эттирмоқда. Хива шаҳрида "Олтин қўллар" халқ ансамбли ҳам ўтган йили тарқаб кетди. Бироқ, ўттиз учинчи тижорат магазинлари уюшмаси директори Давлат Назаров уни Ҳомийликка олди, ансамблининг иши юришиб кетди. Биз учун эса ана шундай жонкуярлар топилмаёттир. Ҳамон Ҳомийсизми. Ахир, ота-боболаримиз даврида ҳам Ҳомийлар бўлганку, нега бугунга келиб, улар ўзларини шунчалик азиз туттиларига ҳайронсиз.

Хоразм вилояти маданият бошқармаси раҳбарияти Хоразм халқ санъатини ривожлантиришга астойдил бел боғлаган. Бу борада янгича йўл-йўриқ дастурини ҳам ишлаб чиқди. Бу дастур Ўзбекистон маданият ишлари вазирлигига маълум тушиб, унн барча вилоятларда такомиллаштириш учун қабул қилди. Зора бу масала қозғалдигина қолиб кетмас.

— Ансамблингиз Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши мукофотига сазовор бўлганлиги боис қандай фикрдасиз?

— Бу мукофот бизларга янгича куч ва ғайрат, ижодий фаолиятимизга янгича қанот бахш этди. Бундан бунён ана шу мукофотга лойиқ хизмат кўрсатиб, эл олқишига доим сазовор бўлиш учун сайн-ҳаракатларимизни кучайтиришга астойдил бел боғлаганмиз.

## Танишинг: Ўзбекистон касба уюшмалари совриндорлари


МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари  
Акмал АКРОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОВЕВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Турғунбой МАДИЁРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),  
Маҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,  
Мухайе ТЎЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

(бош муҳаррир)



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36  
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89  
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР


• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79  
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63  
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24  
Бухорода — 3-50-10  
Гулистонда — 2-24-98  
Жиззахда — 2-31-41  
Навоийда — 3-52-99  
Наманганда — 6-22-10  
Нукусда — 2-44-46  
Самарқандда — 35-64-22  
Термизда — 2-70-07  
Тошкентда — 56-82-79  
Фарғонада — 4-28-29  
Урганчда — 6-03-40  
Қаршида — 5-33-71

• Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлади



• СОТУВДА эркин нарҳда.

• Шанба кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Тожибой АЛИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 79524 нусхада босилди.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.